



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (13.443)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Чилонзор тумани “Баркамол авлод” болалар маркази болажонларнинг севимли маскани.** Фарзандлари иқболи ва келажagini уйлаган ота-оналар учун бу даргоҳ жуда қадрли. Ундаги суратлар, турли мунчоқлар, миллий ўйинчоқлар, либослар дизайни, заргарлик, дурадгорлик намуналари беихтиёр эътиборингизни тартади.



**Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда**

## “БАРКАМОЛ АВЛОД”НИНГ ИЖОДКОР БОЛАЛАРИ

Марказда фаолият кўрсатаётган ўттиз олти йўналишдаги тўғарақларнинг аъзолари олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болалардир.

Олти ёшли Шукрона “Моҳир кўлар” тўғарақининг энг кичик қатнашчиси. “Расм чизишга қизиқишимни сезиб, ота-онам шу тўғаракка берди”, дейди қизалоқ қўвонганидан суратларини кўрсатиб. Ўн ёшли Суннатилланинг ҳам тўғаракка келиб қолиши ўзи учун тасодиф. Аммо ота-онасининг истаги шу эди. Ақлли, яхши ҳуқлиқ бўла тарбиялашни қайси ота-она истамайдиган, дейсиз?!

Улар адашмаган экан. Суннатилланинг расм солишга қўли келиб, танловларда совриндор ҳам бўлди.

Шукрона чизаётган суратлар, қоздан, пластилиндан ясаётган турли шакллар, дараклар ва ўйинчоқлар унинг иқтидоридан дарак беради. — дейди ЎЗА муҳбирига тасвирий санъат тўғарағи ўқитувчиси Елена Эрлик. — У жуда ҳаракатчан. Бошлаган иши маромига етмаса, яна қайта чизишга, аслига ўхшатишга ҳаракат қилаверади. Суннатилладаги босиқлик ва тиришқоқлик чизмаларида, у яратётган турли намуналарда намоён бўлмоқда.

Олти гуруҳдаги 60 нафар тўғарақ аъзосининг ҳар бири ўз имконияти ва иқтидорини синов кўраётгани, энг муҳими, улардаги интилувчанлик устозларга қўйиб бериб беради.

Чилонзор тумани “Баркамол авлод” болалар марказида ҳар бир кун шундай бошланади. Бу ерда ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ягона мақсад бирлаштирилади: бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва дам олишини ташкил этишдир. Зеро, Биринчи Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек, “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёрғу келажакни улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”. Бундай улғу мақсад ва ишонч мамлакатимиздаги таълим муассасалари қаторида “Баркамол авлод” болалар марказларига ҳам қатта масъулият юклайди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур марказлар фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларни қизиқтириш бўйича илгари, ҳунарга йўналишни ва уларнинг билиминини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётди, — дейди марказ директори Умида Турғунова. — Марказимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш ҳамда бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берил-

моқда. Бу ердаги 63 гуруҳга олти юздан ортиқ ўқувчи қабул қилинган бўлиб, улардан 20 нафари 22-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси ва 10 нафари ижтимоий ҳиммага муҳтож оилалар фарзандидир. Ушбу марказ таълим муассасаси сифатида тумандаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган тўғарақларга амалий ёрдам кўрсатиб келади. Машғулотлар ҳафтасига икки мартаба дарсдан ташқари бўш вақтларда ташкил этилади. Марказни тамомлаган ўқувчилар ўз йўналиши бўйича гувоҳномаларга эга бўлади.

Марказдаги рақс ансамбллари, турли тўғарақлар доим болалар билан гавжум. Биз улардаги машғулотлар жараёни билан танишишга қизиқдик. “Егоч ўймакорлиги” тўғарағи машғулотларини ўқитувчи Сардор Шермухамедов ўтказар экан. Унинг айтишича, тўғарақ аъзоларининг ҳунар ўрганишга қизиқиши яхши натижа бераётди. Улар орасида 270-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Афзалхўжа Абдусатторов ҳам бор. У ўтган йили “Ёш ҳунарманд” кўрик-танловининг шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллаган.

— Ўч йилдан буён шу даргоҳга қатнаймам ва бирорта машғулоти қолдиргим келмайди, — дейди у. — Чунки ҳар бир дарсда устозимдан ёғоч ўймакорлигининг янги-янги жиҳатларини ўрганаман. Ҳозир ёғочга ишлов бериш, шакллар солиш, нақшли гуллар ясаб, соғва қўтичалари ва бошқа шакли ишларини қила оламан.

Тўғарақларнинг яна бири — “Карвинг санъати”. Бунда болажонлар мева ва сабзавотлардан турли шакллар яратишни ўрганади. Тўғарақ аъзоси Жасмина Халилова турпдан атиргул ясади. Фарход Минибозов машғулоти ўтаётган гимнастика тўғарағи болаларнинг соғлом ўсиши ва турғи ривожланишига қўмаклашаётган бўлса, Зухра Рузиева раҳбарлигидаги “Тумор” рақс тўғарағида қизлар миллий рақсларимиздан бирини ўрганаётган экан.

“Оловиддин” вокал гуруҳи, “Миллий рақс”, “Элекс” спорт бал рақслари, “Замонавий рақс”, “Шодиёна” ва “Намунавий рақс” тўғарақлари аъзолари эришган ютуқлар янада салмоқли. Улар туман ва шаҳарда анъанавий ўтказиладиган барча оммавий тадбирларда фаол иштирок этиб келаётди. Қўллаб-қўриқ-танловларнинг иштирокчиси. Айниқса, “Оловиддин” вокал гуруҳи ва “Элекс” спорт бал рақслари тўғарағи аъзоларининг пойтахтимиз ва хорижда ўтказилган халқаро турнирлардаги иштироки ва улар қўлга киритган муваффақиятлар мамлакатимизда навиқрон авлод келажакига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг самараларидир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚАРО НАШРЛАРДА

**Корея Республикасининг “The Korea Post” нашрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган мақола чоп этилди.**

Мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича батафсил маълумот берилган. Мазкур стратегияни нафақат Ўзбекистон халқи, балки халқаро ҳамжамият ҳам қатта қизиқиш билан қабул қилгани қайд этилган. Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини қабул қилишда махсус медиа майдонлар ташкил этилгани, бу борада фуқаролар, аҳолининг турли қатламлари ва жамоатчилик фаоллари ўртасида қизғин баҳс ва мунозаралар олиб борилгани, мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эллик инвесторлар фикр ва тақлифлари инобатга олингани алоҳида таъкидланган.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган қўллаб-қўриқ анжуманлар ўтказилгани тилга олинган. Хусусан, Тошкент шаҳрида жорий йилнинг январь ойида ўтказилган халқаро давра суҳбатида мазкур лойиҳа чўқур муҳокама этилиб, тақлиф ва тавсиялар билдирилгани қайд этилган. Ушбу анжуман иштирокчилари амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганини, барча соҳада йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик, ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаган.

“Тараққиёт стратегияси” маркази аъзолари Корея Республикасида бўлиб, мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегиясига бағишланган қатор учрашув ва тадбирлар ўтказган. Ҳаракатлар стратегиясининг қўламини ва моҳиятини “The Korea Post” нашрида қизиқиш уйғотган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, йирик он-лайн порталига эга мазкур нашр халқаро сиёсат, иқтисодиёт, саноат, маданият ва туризм каби мавзуларни ёритувчи нуфузли ОАВ ҳисобланади. “The Korea Post” Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий меросини, Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

ЎЗА

## XXI саҳоси

### Мамлакатимизда

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутатлари ва мутасадди идоралар вакиллари иштирок этган мажлисда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Самарқанд вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● Бухорода XVI анъанавий ипак ва зираворлар халқаро фестивали бошланди. Фестивалда жаҳоннинг қўллаб-қувватлагани халқ амалий санъати ихлосмандлари, мутахассислар, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, ҳунармандлар иштирок этаётгани хорижда юртимизга, халқимизнинг моддий ва маънавий меросига қизиқиш йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир.

● Фарғонада “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шiori остида китоб байрами тадбири бўлиб ўтди. Таниқли адиблар, олимлар, ноширлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда “Энг фаол китобхон оила”, “Энг жажжи китобхон”, “Энг фаол китобхон мактаб ўқувчиси” каби номинацияларда ғолиблар аниқланиб, китоб соғва қилинди.

● Наманганда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Ярмаркада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган тадбиркорлар ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашди.

### ЖАҲОНДА

● Эфиопиядан номзоди қўйилган Тедрос Аданом Гибреисус Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбарлигига сайловнинг учинчи босқичида ғолиб бўлиб, ташкилотнинг янги бош директори этиб сайланди ва кейинги беш йил давомида ЖССТни бошқаради. У 2005 – 2012 йилларда Эфиопия соғлиқни сақлаш вазири вазифасида ишлаган. 51 ёшли Гибреисус ЖССТни бошқарувчи биринчи Африка кўтаси вакили ҳисобланади.

● Англиянинг Манчестер шаҳридаги турли спорт ва маданият тадбирлари ўтказиладиган “Манчестер Арена” олдида хонанда Ариана Гранди концертидан сўнг икки мартаба портлаш юз берди. Яъни Гранди сўнгги қўшиғини якунлаб сахнани тарқ этиши билан портлаш овози эшитилди. Минглаб одамлар стадионни тарқ этишга уринишди. Аренадан тутун ва ёнган нарсаларнинг ҳиди келди. Манчестер полицияси портлаш оқибатида одамлар ҳалок бўлгани ҳамда жароҳатланганлар борлигини тасдиқлади.

● Италияда бўлиб ўтаётган катта еттилик давлатлари саммитида терроризмга қарши курашнинг янги чоралари қабул қилинди.

## 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

## ХАЛҚ РОЗИ БЎЛСА, ИШИМИЗДА УНУМ ВА БАРАКА БЎЛАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот қилиш ва муурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим аини шу эзгу мақсадларга қаратилган.**

Хайрли амалларнинг қаноти узун бўлади. Шу кунларда кўчага чиқасизми, бозор орайсизми, ижтимоий тармоқларга кирасизми, барчасида гап айланми, бир мавзуга келди: Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилгани, шу асосда олиб борилаётган тизимли ишлар самарасида давлат идораларининг халққа эътибори кўчада, Халқ қабулхоналарида оддий одамларнинг муурожаатлари тингланмоқда, муаммо ва ташвишлари қисқа вақтда самарали ҳал этилмоқда.

Яқинда бир ошнамиз ипотека кредити олиб, янги уйга қўчиб ўтди. Ёш оила. Қуллук бўлсинга ўтсак, уй тўла меҳмон: қавму қариндош, ошна-оғайниларга қўшилиб, журамизнинг қўвончига шерик бўлдик. Гурунғ қизигандан қизиди, табиийки, бугунги ислохотлар, янгилашнилардан ҳам гап кетди.

— Урим бини бўлиб амалдор деганда ўз идорасидан чиқмайди, мажлислардан бўшамайди, ёзда чанг, қишда лой кўчаларга оёқ босмайди, олиймаком бир зотни тўшунар экан, — дейди саксонни қоралаган Журакўл Тиловов. — Минг шукур, ҳозир вазият тўшунар экан. Катта-кичик раҳбарлар пастга тушиб, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганмоқда, одамлар билан муло-

қотга киришиб, уларни тингланмоқда. Энди мансабдор бўлиш — оддий одамлар билан бирга яшаш, бирга ишлаш, халқни рози қилиш дегани. Аслида шундай бўлиши керак-да.

— Президентимиз Халқ қабулхоналарини очиб, кўп савобли ишга қўл урди, — гапга қўшилди йигирма йилдан бери ҳайдовчилик қилиб келаётган Йўлчибой Холматов. — Мана, кишлоғимиз кўчалари асфальт кўрмаган — қуруқ шағал эди-да. Ҳокимга неча бор айтдик, “юқори”га қанча хат ёздик, фойдаси бўлмади. Энди кўлни юйиб, кўлтиққа урамиз деганда, Виртуал қабулхона жонимизга оро кирди. Аризамизни ҳокимнинг ўзи келиб ўрганди. “Бу борада катта дастур қабул қилинди, барча кўчага асфальт ётқизамиз”, дейишди. Кўнглимиз бир кўтарилди...

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин ва уларнинг барчаси бизга бир ҳақиқатни англатади: Президентимиз гоёяси асосида ташкил этилган Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари халқ билан фаол, очик ва ошқор мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлашнинг замонавий, самарали ва таъсирчан механизмига айланиб бормоқда. Энг аҳамиятлиси, бу янги тизим ҳудуди шундай кўринишда ҳеч бир мамлакатда учрамайди.

### Ҳақиқатнинг юзи ёруғ, қўли узун

Халқимизнинг бу мақоли аини пайтда атрофича ўрганилиб, қонуний ҳал этилаётган муурожаатларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шу йил 22 май кўнига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган муурожаатларнинг 70 мингга яқини ижобий ҳал қилинган.

Меҳнат ҳуқуқи ва бандлик соҳасида 4 минг 864 муурожаатда кўрсатилган муаммолар халқ қилинган. 789 фуқарога 1 миллиард 900 миллион сўмлик ўз мuddатида берилмаган иш ҳақлари ва қарздорликлар ундирилган, 1 минг 500 фуқаро иш билан таъминланган, ишдан қонуний бўшатилган 305 киши иш жойларига қайта тикланган. Ижтимоий соҳада 288 фуқарога икки ёшгача бола парвартиш учун нафақа тайинланган, 588 оилага 600 миллион сўм моддий ёрдам берилган.

Сўнгги йилларда халқимизнинг фаровонлиги ошиб, хонадонларда шахсий автомобиллар кўпаймоқда. Табиийки, бу ўз-ўзиндан “темир улов” сотиб олиш истагини пайдо қилмоқда. Аҳолидан автосалонлардан давлатимиз белгиланган нарҳда автомобиль харид қилиш билан боғлиқ турли сансолар-

(Давоми 2-бетда)

## 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

## (Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳар Миробод туманида яшовчи Ш.Шокирова шу йил 25 январда Виртуал қабулхонага мурожаатда унинг хонадонига табиий газдан 1,3 миллион сўм асоссиз қарздорлик ҳисобланганини билдириб, мазкур муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўраган. "Мирободтумангаз" ходимлари ушбу масалани бир кунда ўрганиб, Ш.Шокирова қарздор эмас, балки ҳақдор эканини аниқлаган. Худди шу мазмундаги мурожаатлар асосида Андижон вилояти Пахтаобод туманида яшовчи Ф.Кенжабевнинг электр энергияси учун нотўғри ҳисобланган 1,5 миллион сўм қарзи бекор қилинган, юнус-ободлик Г.Саидова табиий газ учун тўлаган 509 755 сўм "Тошкентгазсавдо" МЧЖ ходимларининг хатоси туфайли бошқа ҳисобрақамга ўтиб кетган экан, бу борада ҳам ҳаммаси жой-жойига қўйилган.

Савол туғилади: электр энергияси ва табиий газ таъминоти идоралари ходимлари айрим ҳолларда нега бунчалик қушқондан чиқиб кетмоқда? Бир тадбиркор таваккал қилиб, ҳузув-ҳаловатдан кечиб, бор имкониятини, маблагини ҳавф-хатарга қўйиб, кеча-кундуз жонини бериб ишласа-ю, электр тармоқлари корхонаси унинг бўйнига асоссиз 17,9 миллион сўм қарзини олиб, яна бу маблагни корхона ҳисобрақамидан ечиб олишга ҳам улгурса – нима, шаҳар бедарвозамиз? Ёки бир инсон табиий газ учун тўлаган тўлов бошқа ҳисобрақамга ўтиб кетса, фуқаро ҳақини талаб қилгандаёқ шу хатоликни тўғрилаб қўйишининг имкони бор-ку! Бунга нима халал беради? Шубҳасиз, лоқайдлик, ўз вазифасига соғуқ-қонлик билан қараш.

Инсон ўз уйига эга бўлса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди. Виртуал қабулхонага тушган мурожаатларни қўриб чиқиш натижасида 86 фуқаро намунавий лойиҳалар асосида қўрилаган уй-жойлардан олиш учун шартнома имзолаган, 207 фуқаронинг намунавий уй-жойларидаги камчиликлар бартараф этилган, 106 фуқаронинг хонадонига ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари таъмирлаш ишларини бажарган, яна 44 фуқаронинг уй-жойи таъмирланган, 55 тадбиркорга ер майдони ажратилган, 43 маҳалла кўчалари ободонлаштирилган.

2014 йили Қарши шаҳрида яшовчи Н.Муслимованинг уй-жойи бўзилган, унга на компенсация пули ва на турар жой қўриш учун ер ажратилган. Утган даврда аёлни бош уриб бормаган идораси қолмаган, бироқ ҳеч бир мутасадди унинг дардини тингламаган. Аёл сарсон-саргардон юрган кўнларда Виртуал қабулхона очилди-ю, унинг икки йиллик ташвиши икки кунда ҳал бўлади: Н.Муслимовага 90 миллион сўм компенсация пули ва Қарши шаҳридан ер майдони ажратилган. Яқкабоғлик Н.Раҳматов ҳам тендерда ютиб олган ер майдонини ололмагач, Виртуал қабулхонага мурожаат қилган. Туман ҳокимлиги масалани ўрганиб, унга қонуний ютиб олган ер майдонини ажратиб берган.

Нукуслик Турдихон Муржонбетова уйсиз, мактабда яшаб юрган эди. Бу аёл Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига уй-жой билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган, Нукус тумани ҳокимлиги унинг шароитини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ёрдам бериш керак, деган қарорга келган ва шу йил 4 мартда Т.Муржонбетовани 2 хонали уй-жой билан таъминлаган. Марғилон шаҳридан Гузалхон Жалолиддинова ҳам Виртуал қабулхонага "мурожаатда 1 хонали" уйда 11 жон яшаётгани, жуда тикилишиб қолиб, қўншининг ошхонасида боласи билан яшаб турганини айтиб, амалий ёрдам сўраган. Марғилон шаҳри ҳокимлиги мурожаатни қўриб чиқиб, шу йил 27 февраль кунги унга шаҳардаги 1-оилавий ётоқхонадан жой ажратиб берган.

Қарши туманидан Алишер Гафуров газ таъминоти тизимида ишлайди, уч фарзанди бор, аёли уй бекаси. У Виртуал қабулхонага мурожаат қилган, ихарама-ижара яшаб қарчаган оиласининг кўп йиллик орзулари ушлаган: Қарши туманида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилган 2 қаватли арзон уй-жойлардан 3 хонали квартира уларга имтиёзли кредит асосида ажратилган.

Қарман туманида истиқомат қилувчи О.Ортиқова 2015 йили намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлардан бирини олган, бироқ уй сифатсиз қурилган, таъмирталаб бўлган, пудратчи ташкилот фуқаронинг этирозларини эътиборсиз қолдирган. О.Ортиқова шу йил 9 январда Виртуал қабулхонага мурожаат қилган, пудратчи ташкилот бир ҳафтада барча камчиликни тўлиқ бартараф этган. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида яшовчи А.Якубов ипотека кредити олиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг туман филиалига ҳужжатлар топширган, бироқ сансозликларга дуч келган. Фуқаро 2016 йил 26 декабрда Виртуал қабулхонага мурожаат қилган, шу йил 3 январда муаммоси ижобий ҳал қилинган.

## Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади

Халқимиз мулк ё капитал маълум гуруҳлар қўлида тўпланган феодализм-у капитализми, бординки, ишлагану ишлаганини тенг тишлатмоқчи бўлган социализмни ҳам бошдан кечирди. Бироқ барча "изм"да оддий халқнинг қосаи оқмади, бири икки бўлмади. Чўнки у даврларда давлат бошқаруви, мухит, шароит шундай эди. Бугун мамлакатимизда ҳар бир инсонга бахтли бўлиб, ҳаётдан рози яшаш учун тенг имконият яратилмоқда, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз ара-лашувлар, турли бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда. Бироқ ҳамон айрим жойларда тадбиркорлик қилмоқчи бўлган инсонларга ёрдам бериш ўрнига уларни сарсон қилиш, ишбилармонлар ўз бизнесини янада ривожлантириши учун халал бериш ҳоллари учраб тургани таассуфлидир.

Гулистан шаҳридаги "Gulistan Agro Group" МЧЖ раҳбари Анвар Рахмоновнинг мурожаатидан сўнг унинг корхонасига Жанубий Кореядан шолини кайта ишлаш, қури-тиш ва қадоклашга мўлжалланган технология сотиб олиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк" 491,3 минг АҚШ доллари микдорида кредит берган. Нукуслик А.Пирназаров шу йил 12 январда Виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, унга тадбиркорлик билан шугулланиш учун ер ажратиб беришда амалий ёрдам сўраган. Нукус тумани ҳокимлиги мазкур мурожаатни атрофлича ўрганиб, фуқарога 1 гектар ер ажратган.

Урганчлик Б.Шомуродова 2011 йилда Урганч дехқон бозорида қурилган дўконлардан бирини 20 миллион сўмга сотиб олган. Бироқ фаолият бошлагандан 10 ой ўйиб дўконлар бўзилган. Шу вақт мобайнида тадбиркорга на тўлаган пули қайтарилган, на ўрнига бошқа дўкон берилган. Б.Шомуродованинг Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг унга дўкон учун тўлаган пуллари ундириб берилган.

Умуман, Виртуал қабулхонага банк хизматларида доир мурожаатлардан сўнг 161 тадбиркорга 6,8 миллиард сўм кредит, 30 фуқарога 3,7 миллиард сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилган, 57 фуқаронинг 1,6 миллиард сўмлик омонат пуллари қайтарилган, 239 фуқаро ва тадбиркорнинг ҳисобрақамларидаги маблаг-

лари олиб берилган, 122 тадбиркор тўлов терминаллари билан таъминланган.

Булардан қўринадик, кўп ҳолларда одамлар, ҳатто айрим тадбиркорлар соҳадаги тартиб-қоидаларни яхши билмагани учун унчалик қийин бўлмаган ишлар ҳам баъзи мутасаддиларнинг арзимаган баҳоналари билан битмай қолиб кетмоқда. Банк ходимлари барча имкониятни ишга солиб, йўл-йўригини қилиб, шу муаммоларни ҳал қилиб берса бўлади-ку.

Шу ҳақда яна бир мисол. Янгийўллик Равшан Абдухалилов иккинчи гуруҳ ногирони, у 2016 йил декабрда "Миллийбанк"нинг Янгийўл туман филиалига чорва кредити сўраб, мурожаат қилади, бироқ сўралган ҳужжатларни йиғишга имкон қилолмайдиган, боз устига гаровга қўйишга ҳам ҳеч нимаси йўқ. Сўнг шу йилнинг январь ойида Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига ёрдам сўраб, хат ёзган.

– Ишонасизми, "Миллийбанк" ходимлари уйимизга келиб, мурожаатимни уч кунда ҳал қилиб берди, – дейди Р.Абдухалилов. – Яқинларим қафил бўлди, банкнинг 5,6 миллион сўм кредити эвазига соғин сигир олдик. Бузоғи ҳам бор. Энди паррандачиликни йўлга қўйиб, қурқа боқмоқчимиз.

Ҳа, одамларнинг тадбиркор бўлишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қўлоқ ёзади. Бу билан минглаб оилаларга барака қиради, юз минглаб янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, ўз ишини топган, шундан даромад, завқ ва қувонч кўрган инсон аниқ ҳаётий мақсади, йўли ва манзилга эга бўлади. Бугун мамлакатимиздаги ислохотлардан қўзланган пировард мақсад битта – халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни ишбилармонликка ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади".

## Адолатнинг катта-кичиги бўлмайди

Ҳар бир инсон – иссиқ жон. Қасал бўлмасликдан ҳеч ким қафолатланмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 5 январь ва 7 февраль кўнари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди, тизимдаги муаммолар ва унинг ривожланиш истиқболлари чуқур таҳлил қилинди. Аҳолидан бу борада Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ариза ва шикоятларни тизимли ўрганиш ва ҳал қилиш – доимий эъти-

## ХАЛҚ РОЗИ БЎЛСА, ИШИМИЗДА УНУМ ВА БАРАКА БЎЛАДИ

борда. Шу йилнинг 22 май кунига қадар соҳага оид 5 минг 378 мурожаат ҳал қилинган.

Бунинг натижасида 1 минг 560 фуқарога марказий шифохоналарда даволаниш учун йўлланмалар (ордер) берилган, 587 фуқаро стационар шарафига касалхоналарга ётқизилган, ногирон 58 киши протез-ортопедия ва реабилитация восталари билан таъминланган.

"Ўттиз йилдан бери диасабта чалинганман, бир фарзандим бор, турмуш ўртоғим оламдан ўтганига 15 йил бўлди. Менга давлат томонидан ҳеч қандай дори берилмапти, сотиб олган дориларим 10 кунга етмайди, ахволим жуда оғир. Президентимиздан ёрдам сўрайман", деб мурожаат қилган шахрихонлик Нигора Алиева. Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мурожаатни ўрганиб чиққан. Н.Алиева шу йил 24 январда Андижон вилояти эндокринология диспансерига ётқирилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Бемор аёл соғлиғи бўйича мунтазам тиббий назоратни ташкил қилиш Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли поликлиникаси бош врач қиммасига юклатилган.

Поштахлик Гузал Рахматуллаева 2015 йил март ойида пул тўлаб, 1-шаҳар касалхонасида қорин қурраси бўйича жаррохлик амалиётини ўтайди. Бироқ кўп ўтмай, операция қилинган ўрин йиринглай бошлайди. Аёл шифокорларнинг олдида қайтиб бориб, жаррохлик амалиёти сифатсиз ўтказилганидан шикоят қилади. Улар беморга "оғизна чиданг, мазлар суртинг, яхши бўлиб кетди", дейишади, ҳолос.

– Турли дори-дармонлар фойда бермади, операциядан бир йил ўтиб, ахволим буткул оғирлашди, шифокорлар тайинли ҳеч нима айтмагач, Виртуал қабулхонага шикоят қилишдан бошқа чора қолмади, – дейди Г.Рахматуллаева. – Шу йил январь ойи охирида 1-шаҳар касалхонасида мени қайтадан бепул операция қилишди. Қўз темасин, ҳозир ахволим анча яхши.

Шахрисабзлик Анвар Ризаев 31 ёшда, 2-гуруҳ ногирони. Бахтсиз ҳодиса оқибатида 2016 йил сентябрда бир оёғидан ажралгач, оғир аҳволга тушади. Бироқ қарамоғида уч фарзанди бор, ётиб қолиш ярамайди.

– Шу боис 2016 йил 30 ноябрда Виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, оёғимга протез қўйиб бериш масаласида ёрдам сўрадим, – дейди А.Ризаев. – Орадан бир ҳафта ўтди, жуда дилим хуфтон бўлиб ўтиргандим: қизим қўли шамоллаб ётибди, уни кўтариб шифокорга олиб борай десам, ўзимнинг ахволим бу. Шунда уйимга вилот соғлиқни сақлаш бошқармасининг вакиллари кириб келса, денг. Қўнглим анча кўтарилди. Улар қизимни ҳам текшириб, даволашди. Орадан кўп ўтмай, бепул протез қўйиб беришди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмайми. Энди бирор иш билан шугулланиш ҳақида ўйланман.

Виртуал қабулхонага мурожаатлар асосида 65 фуқарога ногиронлик белгиланди. Фарғона туманидан М.Шодмонова тумга ногирон экани, бироқ тиббий-механал эксперт комиссияси бунга рад этаётганидан шикоят қилган. Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси мутахассисларининг ўрганишлари давомида аёлининг чиндан ҳам ногирон экани аниқланган, шу йил 3 март кунини унга 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланди, тегишли нафақа тайинланган. Марғилонлик Маъмуржон Зайнулдин 2015 йилда бош миясидан ҳаётхат олгач, ногирон бўлиб қолади. Бироқ унинг онаси Г.Фаниева ўғлига ногиронлиқни белгилашда сарсон-саргардонликка дуч келади. Аёлининг Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг шу йил 28 февралда унинг ўғлига ҳам 2-гуруҳ ногиронлиги ва тегишли нафақа тайинланган.

Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Бунинг фуқароларнинг таълим тизимида оид муаммолари ҳал бўлаётганида ҳам қўриш мумкин. Утган даврда 220 бола мактабга таълим муассасаларига жойлаштирилган, 65 коллеж ўқувчисининг ўқиши тикланган, 50 ўқувчининг ўқиши бошқа коллеж ё лицейга қўйилган, 33 фуқарога ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломи ва ўрта мактаб шаҳодатномаси берилиши таъминланган.

Избосканлик Улугбек Нуриддинов ўтган йили Андижон давлат университетида контракт асосида ўқишга

қабул қилинган, тўлов-шартнома учун қарийб 3 миллион сўм тўлаган. Сўнг у оилавий шароити тўғри келмагани учун ўқишни давом эттира олмадиган ҳақида маълум қилган, бироқ университетдан тўлаган пулини қайтариб ололмаган. У.Нуриддинов Виртуал қабулхонага мурожаат қилган, шу йил 9 февралда унинг контракт пуллари қайтариб берилган. Самарқанд давлат университети талабаси Ўғилрой Хайитова 2016 йил сентябрь ойидан бўён стипендиясини ололмаётгани ҳақида шикоят қилган, 2016 йил 31 декабрда унинг барча стипендия пуллари тўлиқ тўлаб берилган. Богот туманидан У.Раҳмонов тумандаги 92-мактаб-интернат ётоқхонаси етарлича иситилмаслиги туфайли ўғли ва бошқа болалар бетином шамоллаб қолаётганидан шикоят қилган, мактаб-интернатнинг иситиш тизими соз ҳолатга келтирилган.

Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётидаги ўзгариш, янгиланиш мўжасам. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда нихоятда муҳим омилдир.

Одамларнинг кичик муаммоси ҳал бўлса, катта натижаларга олиб келади. Акс ҳолда улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бир инсон муаммога дуч келиб, уни вақтида ҳал қила олмаसा, бундан, аввало, руҳий зарба олади: қўли ишга бормайди, ичига чироқ ёқса ёришмайди, беҳаловат бўлади, ўтирса ҳам, турса ҳам, ҳаёлининг бир четиди шу муаммо унга халал бераверади.

Оқибатда бундай руҳий тушқунлик инсонни шахс сифатида емиради. Адолатга ишонмаслик, ҳақиқатнинг борлигига шубҳа жамиятга ҳам катта ҳавф солади. Излаганини уйдан тополмаган одамнинг кўчага чиқиб кетиши тайин. Шу маънода мулоқот ва манфаат тушунчалари узаро ҳамбарчас боғлиқ.

Энди муаммоси ҳал бўлган инсоннинг руҳияти, кайфиятини бир тасаввур қилайлик: у ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандай ҳис қилади, ҳаётида ҳаловат пайдо бўлади, тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш заъқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўйишга чоғланади, бор қуч-ғайратини ўз ишига сарфлайди. Энг муҳими, бундай инсон давлатга, қонунларга, адолат ва ҳақиқатнинг қудратига, умуман, ҳаётга ва келажакка ишонади. Руҳиятида шундай қучли ишонч ва илҳоси бор одамни йўлдан оздириб ҳам, қалғитиб ҳам бўлмайди.

Давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ва мутасадди ҳодим ўз вазифасини виждонан, сидқидилдан бажариб, одамларнинг оғирини енгил қилиб, муаммоларини ҳал этишга баҳоликдурат ҳисса қўшаётганда ҳам, ўз ишига, вазифасига лоқайд, муносабатда бўлиб, оддий одамлар учун муаммо ва ташвиш туғдираётганда ҳам юқорида қайд этилган бир-бирига қарама-қарши икки манзарани кўз олдида келтириб, тегишли ҳулоса чиқариши, халқнинг розилиғи ёки норозилиғи айнан унга боғлиқ эканини эсидан чиқармаслиги зарур.

## 7 минг мурожаат ва 3 миллион муаммонинг ҳал бўлиши

Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарининг яна бир ноёб ҳусусияти – мурожаатларга асос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлашдан иборат. Бу борадаги ишлар аллақачон ўз натижаларини бермоқда.

Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз ҳудудларида бу борадаги мавжуд ахволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинди. Виртуал қабулхона ишга тушганидан бўён одамлардан иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўламаслик, тўловларни пластик карталарга нақдсиз шаклда асоссиз равишда ўтказиш ҳолатлари кўпайгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмагани юзасидан 7 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида "пластик карталарни муомаласи қиритишдан илгари барча меҳанизм пухта ишлаб чиқилмаган"ини рўй-роост таъкидлагани бежиз эмас. Президентимизнинг юқорида келтирилган қарорига қўра, мамлакатимизда барча турдаги пенсиялар, тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз нақд шаклда амалга оширилмоқда, олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг қамлади 50 фоизи нақд шаклда берилмоқда.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчилар сони йилга ўртача 4 фоиздан ўсиб, бугун 3 миллион нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Қаранг, аҳолидан тушган 7 мингдан ортиқ мурожаатлар асосида 3 миллиондан зиёд юртдошларимизнинг муаммолари ҳал бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 февралдаги "Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идораларо электрон ҳамкорликни қўллаш ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам айнан фуқароларнинг кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш борасидаги муаммо ва камчиликлар ҳақидаги мурожаатлари, шикоят, ариза ва тақлифлари асосида ишлаб чиқилган. Қарорга қўра, мамлакатимизда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идораларо электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими амалга киритилмоқда. Қарорда идораларо электрон ҳамкорликни қўллаш ҳолда кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш Тошкент шаҳрида шу йил 1 июлдан, мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида 2018 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

Бунда солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан таққиб ва хатлаш мавжудлиги "Нотариус" тизимида автоматик тарзда текширилади. Ариза бевурғича аниқланган қарздорликни нотариал идорада, шу жумладан, электрон

тўлов тизимлари орқали тўлаш имконияти берилади. Қисқа айтганда, энди уй-жой сотадиганлар ишдан қолиб, вақт кетказиб, идорама-идора маълумотнома йиғиб юрмайди. Бу билан, аввало, фуқароларнинг вақти ва маблага тежалади, қолаверса, сохта маълумотномалар тақдим этишнинг олди олинади.

Яна бир масала: аҳолидан фуқаролик ишлари бўйича судларда бўлаётган сарсон-саргардонликлар ҳақида ҳам кўп мурожаатлар келмоқда. Асл вазият шуки, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туманлар) судлари бир ишни қўриб, ҳал қилув қарори чиқаргач, иккинчи тараф норози бўлиб шикоят қилади, вилот фуқаролик судлари эса бу ишни яна биринчи инстанцияга қайта қўриш учун жўнатади, аксарият ҳолда у ерда ҳам бу масала тўла ҳал бўлмайди. Хали у туман, хали бу тумандаги фуқаролик ишлари бўйича судлар ишни қайта-қайта қўраверади.

Судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари, суд назорати амалиётидаги таҳлиллар кейинги йилларда фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган ҳал қилув қарорларининг юқори инстанциялар томонидан бекор қилиниши ва улар юзасидан ақуний қарор қабул қилмасдан, қайта қўриб чиқиш учун яна биринчи инстанцияга юбориш ҳолатлари ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. 2014 йили 1 минг 119, 2015 йили 1 минг 296, 2016 йили 1 минг 160 ана шундай суд қарорлари юқори инстанцияда бекор қилинган ва иш яна қўйи бўғинга юборилган. Ҳар бир бекор қилинган қарорнинг ортида қанча одамнинг йўқотган вақти, маблаг, асабузариликлар, соғлиғи ётибди.

Бу борадаги мурожаатлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгариш киритилди. Энди апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлган шахснинг масаласини қўйи судга қайтармасдан, у бўйича ўзи узил-кесил қарор қабул қилади. Фуқаролик ишларини кассация ва назорат тартибиди қўриб чиқиш тартибига ҳам шу мазмундаги ўзгаришларни киритиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни янада қучли қафолатлаб, биринчи инстанциядаги хато-камчиликларнинг олдини олишга, бу соҳадаги турли сансозликларга оид шикоятлар қисқаришига олиб келади.

## Жамиятнинг ойдин кўзгуси

Халқ қабулхоналари институтини бугун чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечими акс этадиган ойдин кўзгу бўлмоқда. Бунда мамлакатимизнинг ҳамма жойидаги асл вазият, халқимиз, жамиятимиз қандай нафас олаётгани аққол намоён бўлмоқда. Бу жараёнда барча соҳа бўйича йиғилаётган мурожаатлар архиви келгусида исталган тизим бўйича самарали ва ҳаётий тадқиқотлар олиб бориш учун нихоятда ноёб, бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Дунёнинг яна қайси мамлакатиди бундай тизим бор? Биламизки, амалиётда бир масалани ўрганиш учун махсус институтлар йиллар давомида ижтимоий сўровлар ўтказиш ва улар, қанчалик жозибаб қўринмасин, барибир, бир гуруҳ одамларнинг субъектив фикрини акс эттиради. Мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва ҳудуддаги асл манзарани, мавжуд ахволни реал қўриш ва баҳолаш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мустаҳкам асос ва ҳақиқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ихро ҳокимияти фаолиятини янада самарали йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

...Ҳа, бугун Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона халқимиз учун суяч тоғи бўлмоқда, одамларни янада катта қуч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келаятган миннатдорлик хатлари, тақлифлар, тилакларни ўқир экансиз, бунга тақор-тақор амин бўласиз. Уларнинг барчасини бир жихат биларлаштириб туради: эзгу ният, эзгу сўз, эртанги кунга мустаҳкам ишонч. Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти талабаси Барчиной Сафарова, Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси Отабек Исоқжонов, Андижон вилояти Ўҳжабод тиббиёт коллежи ўқувчиси Мафтуна Тулабоева, тўрақўрғонлик тадбиркор Рустам Омонов, Тошкент шаҳридан Антонина Атаджанова ва бошқа минглаб юртдошларимиз мурожаатлари ҳал бўлгани, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ билан мулоқот самарали йўлга қўйилаётгани, инсон ҳуқуқ-манфаатлари таъминлаётганини таъкидлаган, одамлар манфаатини таъминлашга, ҳусусан, навқирон авлод камолотига кўрсатаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирган.

Аслида ҳам дунёдаги бор фалсафий қарашларнинг ҳулосаси – оламнинг бино бўлмоғидан мурдао аслида одам эди. Бинобарин, инсондан улуг мавжудот йўқ. Шу маънода, улуг шoirимиз Алишер Навоий таъкидлаганидек, **бир кўнгли синик кишининг кўнглини кўтариш, хотирини, дилини, қалбини шод этиш шу қадар улуг ишки, бу вайрон бўлган Қазбани обод қилган даражасидадир.** Навоий одамнинг кўнглини Қазбага қислаган, кўнгли синиклигини Қазба вайронлигига менгаган. Меҳр-муруватнинг бундай буюк тими-соли, инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, уларнинг муаммолари билан ўз муаммоси каби қурашш ҳар



## ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН КАСБ – КАМОЛОТГА ЭЛТАДИ

**Техника тараққий этиб, илму фаннинг янги ютуқлари жадаллик билан турмушимизга кириб келаётган ҳозирги даврда ёш авлоднинг турли хил инновацион гоёларга асосланиб яратилаётган техникаларга қойил қолмасдан илож йўқ.**

Бугунги кун техника илми билан ҳамнафас бўлган ёш авлод вакиллари турли ишланмалари намуналарини Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида ўтказилган фестивалда ҳам аққол кўриш мумкин. "Тинчлик – олий нёма" ширин остида ўтказилган бу фестивалнинг асосий мақсади ўзбек фарзандларининг билим ва тафаккури, салоҳияти дунё миқёсида тан олинаётганини эътироф этиш билан бирга, коллеж битирувчиларнинг бандлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Тадбирда коллеж ўқувчилари томонидан таълим жараёнида олган билим ва кўникмалари асосида яратилган, 180 дан ортиқ макетлар, инновацион – техник ишланмалар намойиш қилинди.

Кўрғазмада шунингдек, "Ал-солар" фирмаси, "Тошкентрадиотелевизион узатиш маркази", "Хилол" нашр, "Равшан қурилиш", "Политехника" музейи, "Камолот" ЕИХ туман Кенгаши, Тошкент Ирригация ва мелиорация институтини каби қўллаб ҳамкор ташкилотлардан 30 га яқин вакиллар ўз совғалари билан иштирок этдилар. Фестиваль сўнида Ватанимиз келажагига ўзининг нуносиб ҳиссасини қўшмоқчи бўлиб билим олаётган ўқувчи-ёшлар юқорида таъкидланган корхона раҳбарлари ва коллеж маъмурияти томонидан "Фахрий ёрликлар" ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Равно НАЗАРОВА,**  
Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи ўқитувчиси

**Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Олмазор ва Учтепа туманларида фаолият олиб бораётган Аёллар маслаҳат марказида хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашилади, уларга амалий ёрдам кўрсатилади, зарур тавсиялар берилади.**

## ИЖТИМОЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжумани ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш йўлида олиб бораётган ишлар, хусусан Шайхонтоҳур, Олмазор ва Учтепа туманларида ташкил этилган Аёллар маслаҳат марказлари фаолиятига бағишланди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, хотин-қизларнинг тиббий ва ҳуқуқий савдоқонлигини ошириш, уй бекаларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқараши ва атрофда бўлган муносабатларини ўрганиш, турли маънавий хуружлардан асраш, оилавий муҳит барқарорлигини сақлаш ва салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 2014 йилда Шайхонтоҳур туманида, 2015 йилда Олмазор ва Учтепа туманларида Аёллар маслаҳат маркази ташкил этилган.

Тадбирда Марказ асосий фаолиятини хотин-қизларни руҳан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий ва ҳуқуқий соҳадаги саволларига жавоб топиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, оилавий муносабатларнинг барқарорлигини сақлашга қаратилган боис, бевосита адлия, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, меҳнат органлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда фаолият юритаётгани таъкидлаб ўтилди. Рақамларга мурожаат қилинса, ушбу марказларга 2015-2016 йилларда олти минг уч юздан ортиқ хотин-қиз турли масала бўйича мурожаат этган. Шулардан 5 700 га яқин хотин-қизга марказ ходимлари томонидан услубий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилиб, 2300 дан кўп аёлнинг муаммолари масаласи ижобий ҳал этилган.

— Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий-ҳуқуқий

билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Шайхонтоҳур тумани Аёллар маслаҳат маркази раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Уй бекаларининг ҳаёт тарзи, турмуш шароитлари, дунёқараши ва атрофдаги кеңаятган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, юртимизда бўлаётган ислохотларда, жамият тараққиётига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ҳиссини шакллантириш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Марказ хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, уй бекаларини турли маънавий-мафкуравий хуружлардан асраш, мураккаб вазиятга тушиб қолган аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизмат кўрсатиш учун жамоатчилик асосида тегишли мутахассислар жалб этилган бўлиб, хотин-қизларнинг оилавий шароити ва муаммоларини ўрганиш, улар билан мулоқот қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва услубий йўл-нама бериш бўйича ишлар олиб борилади.

Аёллар маслаҳат маркази бевосита аёллар билан мулоқот қилиш, дардини эшитиш ва муаммолари масалани ҳал этиш учун тузилган бўлиб, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да Марказнинг иш самарадорлиги янада ошди. Марказ ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва ҳал этиш ишларини ташкил этиб келмоқда.

Сўнгги вақтларда аёлларда нафақат ҳуқуқий ва тиббий йўналиш, балки диний-шаърий масалаларда ҳам саволлар қўйилганлигини инобатга олиб, Марказлар Ўзбекистон муслмонлари идораси ва Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда дин соҳаси мутахассисларини марказга жалб қилган ҳолда виждон эркинлиги ва диний мазҳабларда оқил мулоқотлар ва давра суҳбатларини ташкил этиб келишмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАШМОҚДА

**Миллий матбуот марказида "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси томонидан тармоқда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда компания тизимидagi корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш цехларини модернизация қилиш, замонавий технологияларни жалб этишга қаратилган қўллаб-қувватлаш олиб боришмоқда.

Жумладан, Германиянинг "Wachtel" компаниясидан 77 та ҳамда Россиянинг "Viliks" фирмасидан 12 та замонавий нон ишлаб чиқариш технологиялари келтирилиб, тизим корхоналарига ўрнатилган ва ишга туширилди. Бунинг натижасида маҳсулот сифати яхшиланди, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди ва ҳозирги кунда ушбу цехларда 40-

45 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Компанияда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни қуриб ишга тушириш мақсадида сўнгги етти йил мобайнида 233 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу инвестиция лойиҳаларининг 171 таси янги қувватларда, 62 таси эса модернизация қилиниб ишга туширилди. Шунинг ҳисобига 1768 та янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури

тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилда тизимда қиймати 23.26 миллион АҚШ долларлиқ 10 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган.

Унда олтига тегишмол цехини модернизация қилиш ҳамда битта янги тегирмон, омухта ем, бугдой ёрмаси ва полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехлари қуриб ишга туширилиши режалаштирилган.

Ушбу инвестиция лойиҳаларини замонавий технологиялар асосида амалга ошириш мақсадида Россия, Украина, Туркия давлатлари компаниялари билан музокаралар олиб борилиб, 14,4 миллион АҚШ долларлиқ шартномалар имзоланди.

Анжуманда шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар борасида ҳам маълумотлар берилди. Белгиланган дастурга асосан 2017 йилда жами 601 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, уларнинг 481 таси касаначилик, 72 таси инвестиция ҳамда 48 таси тармоқни ривожлантириш дастури асосида ташкил этилади. Режага кўра ҳозирга қадар 349 та иш ўринлари яратилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдуллоҳ САЛИМОВ**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚҲИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Таълим муассасаси номи                                                             | Манзили                                         |
|---|------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------|
| 1 | Шайхонтоҳур саноат касб-хунар коллежи                                              | Шайхонтоҳур тумани, Авиасоҳар тор кўчаси, 10-уй |
| 2 | Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи | Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 7А-уй      |
| 3 | Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи                                     | Яшнобод тумани, Тараққиёт 2-тор кўчаси, 1-уй    |
| 4 | Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи                   | Чилонзор тумани, 19-мавзе, 411-уй               |

**Малака талаблари:** олий маълумот, таълим тизимидagi (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди.

Талловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:  
1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;  
2. Сўровнома (справка-объективка);  
3. Таржимаи ҳол;  
4. Олий маълумот ҳақида диплом масж;  
5. 3x4 ўлчамли 6 данга фотосурат;  
6. Паспорт (нусахаси);  
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;  
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);  
Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел.: 252-23-35.

### "Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибидида 2017 йил 15 июнь кунин соат 11.00да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: ЖИБ Юнусобод туман судининг 06.09.2016 й №22034/11-сонли ижро ҳужжатида асосан "BA3-210530" р-ли, қизил, 1993 йилда и/ч, т/н, д/б 10 Х 690 КА, 6/б – 4 866 300 сўм. ЖИБ Чилонзор туман судининг 20.07.2016 й №16875/11-сонли ижро ҳужжатида асосан "Ласетти" р-ли, оқ, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Е 801 LA, 6/б – 8 309 003 сўм. ЖИБ Яшнобод туман судининг 06.09.2016 й №22023/11-сонли ижро ҳужжатида асосан "LADA GRANTA 219010" р-ли, оқ рангли, 2015

йилда и/ч, т/н, д/б 40 У 061 МА, 6/б – 47 780 100 сўм. "BA3-2107" р-ли, оқ, 1981 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Е 801 LA, 6/б – 8 309 003 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида саклан-

**Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 13 июнь соат 16:00 да тўхтатилади.**

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00-14.00 гача тушук) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун

қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги қелишув"га асосан закатлат пули туланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакилар учун ишончнома. Мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТВ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 хисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

## Реклама ва эълонлар

### "AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида таклиф этади!

**2017 йил 27 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

**Мирзо Улуғбек тумани СИБ** томонидан: 04.03.2015 йил № 5815-31/21/22 - сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган: 1. Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги Space Arsenal Service жарима майдонида сакланаётган: 2000 йилда и/ч, д/р 01 С 345 ОА, яшил металллик рангли 2 эшикли "Мицубиси Паджеро", бошлангич баҳоси: 70 264 000 сўм.

**2017 йил 14 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

**Шайхонтоҳур тумани СИБ** томонидан 1. 04.12.2014 йилдаги № 17482/32 - сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Space Arsenal Service жарима майдонида сакланаётган: 2009 йилда и/ч, д/р 01 709 МАА-Ласетти бошлангич баҳоси: 46 770 918 сўм. 2. 2009 йилда и/ч, д/р 01 484 РАА Нексия СОНС бошлангич баҳоси: 32 020 733 сўм.

**Миробод туман СИБ** томонидан 16.02.2015 йилдаги №2123-24/15-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани "Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори" МЧЖнинг жарима майдончасида сакланмоқда: (мулклар Сергели машина бозори) 2008 йилда и/ч, д/р 30К 988 СА ЕРІСА бошлангич баҳоси: 37 293 390 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2017 йил 27 июнь куниндаги аукцион савдоси учун 2017 йил 23 июнь кунин соат 16:00, 2017 йил 14 июнь куниндаги такрорий аукцион савдоси учун 2017 йил 12 июнь кунин соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 20 фоизи миқдоридида закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг АКБ "InFinBank" Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 2020 8000 5048 8730 5001 МФО: 01141, ИНН: 301 829 604; ОКОНХ: 19790

Аукцион қилиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86 www.agg.uz  
Гувоҳнома №004593.

### "AUTO GARANT BUSINESS"

#### бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида

ўтказиладиган очик аукцион савдоларида таклиф этади! 2017 йил 30 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**I. Мирзо Улуғбек тумани СИБ** томонидан: Жиноят ишлар бўлими Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йил № 1-12/14-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган:

1. 1999 йилда и/ч, д/р: 01 905 DDA, "Дамас" бошлангич баҳоси: 16 176 000 сўм;  
2. 2006 йилда и/ч, д/р: 01 911 DAA, "BA3-21104" бошлангич баҳоси: 18 810 000 сўм;  
3. 1996 йилда и/ч, д/р: 01 056 TAA, "ЗИМ-12" бошлангич баҳоси: 12 953 288 сўм;  
4. 1969 йилда и/ч, д/р: 01 069 TAA, "Опель Адмирал" бошлангич баҳоси: 7 935 970 сўм;  
5. 1941 йилда и/ч, д/р: 01 041 MAA, "Гономак" бошлангич баҳоси: 9 129 028 сўм;  
6. 1943 йилда и/ч, д/р: 01 043 MAA, "Крайслер" бошлангич баҳоси: 3 381 121 сўм бўлган русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

**II. Мирзо Улуғбек тумани СИБ** томонидан: Фуқаролик ишлар бўлими Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 12.11.2014 йил № 1-5462/14-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган: "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдонида сакланаётган: бошлангич баҳоси: 14 566 000 сўм бўлган, 2005 йилда и/ч, д/р: 01 J 251 SA, "Нексия СОНС" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

**III. Сергели тумани СИБ** томонидан: Хўжалик ишлар бўлими Тошкент шаҳар судининг 12.04.2016 йил № 10-1417/12702-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, "NEFTERPROMMANTA" МЧЖ ҚК манзилида сакланаётган: 1. Бошлангич баҳоси: 87 139 411 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, д/р: 01 365 XBA, "КамАЗ-44108-10" русумли автотранспорт воситаси; 2. Бошлангич баҳоси: 33 855 274 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч, д/р: 01 1211 AA, "Нефаз-9334-10" русумли тиркама савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кун (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2017 йил 30 июнь куниндаги аукцион савдоси учун 2017 йил 28 июнь кунин соат 16:00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 30 фоизи миқдоридида закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг АКБ "InFinBank" Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 2020 8000 5048 8730 5001 МФО: 01141, ИНН: 301 829 604; ОКОНХ: 19790

Аукцион қилиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86. www.agg.uz  
Гувоҳнома №004593.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани ТҚҲИ томонидан 18.02.2015 йилда №06-000061 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "REZINAKIMYOPLAST" МЧЖ (ИНН 202373135) таъсисчининг 13.04.2017 йилдаги № 32-қарорига асосан

#### ТУГАТИЛАДИ

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мuddат ичиди қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 258-13-74

## Қилмиш-қидирмиш

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Бизнинг "қаҳрамонларимиз" ҳам ана шундай осонгина мўмай даромад кўраман деб жиноятга қўл урдилар. Д.Ғуломов (исми-шарифи ўзгартирилган) бир корхонанинг раҳбари ўринбосари лавозимидида тинчгина ишлаб келаётган эди. Нима бўлдию "Туронбўй" АТБнинг Чилонзор филиалида Конверсион амалиётлар бўлими бошлиғи А.Тўраев, шу бўлим мутахассиси С.Равшанова, филиал пул муомаласи ва нақд пул маблағларини берилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи ва вақтинча Конверсион амалиётлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарган Н.Рўзиев билан тил бириктириб қонунни четлаб ўтган ҳолда пул топишга киришди.

Улар бир гуруҳ бўлиб, жуда кўп миқдорда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш мақсадида жиноий режа тузишди. Режага кўра Д.Ғуломов зиммасига 150 минг сўм маблағ эвазига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини "VISA" халқаро электрон тўлов карточкаларини расмийлаштириш учун қизиктириш, ҳужжатларни расмийлаштиришда йўл-йўриқлар кўрсатиш ҳамда олинаётган валюта учун миллий сўмдаги нақд пул маблағларини банк кассасига топширтириш вазифалари қўйилди. Банк ходимлари бўлган А.Тў

